2011 йил 27 январь, пайшанба

# Тошкент оқшоми

Газета 1966 йил 1 июлдан чиқа бошлаган

ШАҲАР ИЖТИМОИЙ-СИЁСИЙ КУНДАЛИК ГАЗЕТАСИ № 19 (11.830) Баҳоси эркин нархда

**Ўзбекистон Президенти Ислом Каримовнинг Брюсселга ташрифи Европанинг сиёсий, эксперт-таҳлил ва жамоат доираларида катта қизиқиш уйғотди.**

**Хусусан, Европа халқаро муносабатлар институти Президенти Ирнерио Семинаторе «Жаҳон» ахборот агентлиги мухбири билан суҳбатда Президент Ислом Каримовнинг Европа Иттифоқи ва НАТОнинг нуфузли институтларига ташрифи ушбу нуфузли тузилмаларнинг Ўзбекистон Республикаси билан муносабатларидаги ғоят муҳим воқеа бўлганини таъкидлади.**

## ИРНЕРИО СЕМИНАТОРЕ: «ЎЗБЕКИСТОН ПРЕЗИДЕНТИ ЕВРОПА ИТТИФОҚИ ВА НАТО БИЛАН МУНОСАБАТЛАРНИНГ ЯНГИ САҲИФАСИНИ ОЧМОҚДА»

Экспертнинг фикрича, ташриф асносида Президент Ислом Каримовнинг Европа Иттифоқи Комиссияси Президенти Жозе Мануэл Баррозо, ЕИнинг энергетика бўйича комиссари Гюнтер Эттингер ва НАТО Бош котиби Андерс Фог Расмуссен билан учрашув ва музокаралари чоғида Ўзбекистон-ЕИ, Ўзбекистон-НАТО кўп томонлама муносабатларини ривожлантириш истиқболларига оид масалалар юзасидан очиқ ва конструктив тарзда фикр алмашилди.

– Ўзбекистон Президентининг ташрифи воқеаларга жуда бой ва самарали бўлди, деб ҳисоблайман. Учрашувлар чоғида муҳокама қилинган мавзулар нафақат икки томонлама муносабатлар, балки Афғонистондаги вазият, Қирғизистондаги аҳвол, томонларнинг Марказий Осиёда хавфсизлик ва барқарорликни таъминлаш ҳамда терроризм ва экстремизм таҳдидларини бартараф этишдаги ҳамкорлиги масалаларини ҳам қамрагани, менингча, муҳим аҳамиятга эга, – деб таъкидлади И.Семинаторе.

Бельгиялик нуфузли эксперт Ўзбекистон Президенти Ислом Каримовнинг ташрифи доирасида минтақавий ва глобал хавфсизлик ҳамда энергетика каби стратегик масалаларга таллуқли қатор муҳим ҳужжатлар имзоланганини томонлар ўртасидаги муносабатларда ёркин ижобий ўзгаришни яққол намоён қилганини қайд этди.

И.Семинаторининг сўзларига кўра, Ўзбекистон Президенти Ислом Каримовнинг Брюсселга ташрифи кўп томонлама ва ўзаро манфаатли ҳамкорликнинг ривожланиши учун янги суръат бахш этади.

– Ўзбекистон Афғонистонни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришга салмоқли ҳисса қўшмоқда ва Президент Ислом Каримов ўтказган учрашувларда бу алоҳида қайд этилди, – деди бельгиялик эксперт. – Шу билан бирга, Ўзбекистон ушбу жафокаш мамлакатда тинчлик ва барқарорликка эришишнинг янги муқобил йўлларини топиш бўйича муҳим ташаббусларни илгари сурмоқда. Хусусан, Ўзбекистон раҳбарининг БМТ шафеълигида «6+3» мулоқот гуруҳини тузиш тўғрисидаги таклифи алоҳида эътиборга моликдир.

И.Семинаторе Президент Ислом Каримовнинг узоқни кўзлаб юритаётган пухта ўйланган, минтақада тинчлик ва барқарорликни сақлашга қаратилган сиёсати, Ўзбекистон Республикасида иқтисодий ўсишнинг юксак суръатларини барқарор сақлаб туришдаги муваффақиятлари, иқтисодиётни эркинлаштириш ва фуқаролик жамияти ҳуқуқий асосларини мустаҳкамлаш борасидаги саъй-ҳаракатлари алоҳида муҳим аҳамиятга эга экани халқаро жамоатчилик томонидан юксак баҳоланишини таъкидлади.

Суҳбат якунида И.Семинаторе Президент Ислом Каримовнинг Брюсселга ташрифи Ўзбекистон билан ЕИ ва НАТО ўртасидаги ўзаро англашувни мустаҳкамлаш ва самарали ҳамкорликни янада ривожлантиришга хизмат қилишини қайд этди.

**Давлатимиз раҳбарининг Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталари қўшма мажлисидаги «Мамлакатимизда демократик ислоҳотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси» маърузаси мазмун-моҳияти жойларда аҳоли, айниқса ёшлар орасида чуқур ўрганилмоқда. Бу эса ёшларимизда ҳуқуқий маданиятни ошириш, фуқаролик масъулиятини шакллантиришда муҳим омил бўлаётир.**

## ЖАМИЯТ ТАРАҚҚИЁТИНИНГ МУҲИМ ОМИЛИ

Ана шундай тадбирлардан бири Адлия вазирлиги ташаббуси билан Ўзбекистон давлат консерваториясида бўлиб ўтди. Унда пойтахтимизнинг Шайхонтоҳур тумани ҳокимлиги масъул ходимлари, давлат ва жамоат ташкилотлари вакиллари, ёшлар иштирок этди.

Концепцияда давлат ҳокимияти ва бошқарувини демократлаштириш, суд-ҳуқуқ тизимини ислоҳ этиш, ахборот соҳасини ривожлантириш, сайлов қонунчилигини такомиллаштириш, фуқаролик жамияти институтларини ривожлантириш, бозор иқтисодиётини янада либераллаштириш каби муҳим йўналишларнинг қамраб олингани мамлакатимизни модернизация қилишнинг кафолати бўлиб хизмат қилади. Бу жараёнда фуқароларнинг фаол иштироки жамиятнинг демократия йўлидан янада жадал ривожланишини таъминлайди.

Тадбирда мутахассислар ёшларга концепция мазмун-моҳияти ва аҳамиятини интерфаол усулда тушунтириб, уларнинг саволларига батафсил жавоб бердилар.

**Н.АБДУРАИМОВА,**
**ЎзА мухбири**

## ПОЙТАХТНИНГ БИР КУНИ



### Тиббиёт масканларида

## ИНСТИТУТДА ЯНГИ МАРКАЗ

**Юртимизда барча соҳалардаги каби соғлиқни сақлаш тизимида амалга оширилаётган ислоҳотлардан кўзланган бош мақсад аҳоли саломатлигини муҳофаза қилиш, маънан, руҳан ва жисмонан соғлом фарзандларни камолга етказишдан иборатдир. Бу борада аввало замонавий тиббиёт масканлари, шифохоналар, касалхоналарнинг қад ростлаётганлиги, эскиларининг қайтадан таъмирланиб, жаҳон андозалари талабларига жавоб берадиган тиббиёт асбоб-анжомлари билан таъминланаётганлигига барчамиз гувоҳ бўлмоқдамиз.**

Айтиш жоизки, республикамизда гематологик хизмат фаолиятини яхшилаш ва бу борадаги мавжуд муаммоларни ҳал этишга ҳам алоҳида эътибор қаратилмоқда. Марказий Осиёда ягона Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлигининг Гематология ва қон қуйиш илмий текшириш институти соҳа бўйича етакчи муассаса бўлиб, қон тизими касалликлари диагностикаси, давоси, тиббиёт ходимларининг ўқитилиши, илмий изланишлар олиб борилиши, жойларда қон хизмати фаолиятининг мувофиқлаштирилишини амалга ошириб келмоқда.

Яқинда институт ҳудудида «Меҳр нури» жамғармаси томонидан таъмирдан чиқарилган «Гемофилия ва қон депрессияси маркази» биносида Суяк кўмигини (ўзак ҳужайраларини) кўчириб ўтказиш Маркази очилди. Бу марказда ишлайдиган шифокор ва ҳамшираларнинг малакасини ошириш ва уни замонавий асбоб-ускуналар билан жиҳозлашда Туркиянинг ҳамкорлик ва ривожланиш агентлиги яқиндан кўмак берди.

— Институтда бугунги кунда замонавий диагностика ва даволаш усулларини амалиётга жорий қилиш ва янги дори препаратларини ишлаб чиқариш устида илмий изланишлар олиб борилмоқда, — дейди мазкур институт бош шифокори ўринбосари Муҳаббат Битинбаева. — Шуни таъкидлаш керак, институт ҳозирда Россия, Украина, Туркия, Чехия, Германия каби давлатларнинг етакчи тиббий муассасалари билан самарали ҳамкорлик қилиб келмоқда. Ҳамкорлик самараси ўлароқ 30 дан ортиқ институт шифокор-гематологлари ва ҳамширалари қайта ўқиш ва малака ошириш курсларида қатнашиб, ўзак ҳужайраларини кўчириб ўтказиш учун малакали мутахассис этиб тайёрландилар. Бугунги кунда институтда Мадина Орипова, Элдор Исҳоқов, Гадиб Калменов, Елена Нагаева сингари тажрибали, етук мутахассислар беморлар дардига малҳам бўлишмоқда.

Шуниси эътиборлики, Гематология ва қон қуйиш илмий текшириш институти таркибида очилган ўзак ҳужайраларини кўчириб ўтказиш Маркази Ўзбекистон ва қўшни Марказий Осиё давлатларидаги қон тизими касалликлари бўлган беморларни замонавий гематологик ёрдам билан таъминлаш имконини беради. Бу Марказнинг ташкил этилиши тиббиётнинг бошқа йўналишларидаги беморларни даволашда ҳам ижобий натижаларга эришишда янги имкониятлар яратилишига олиб келади.

**Дилором ИКРОМОВА**
**Козим Ўлмасов олган сурат**

## XXI аср садоси

БАРЧА МАНБАЛАРДАН ОЛИНГАН СЎНГГИ ХАБАРЛАР

### МАМЛАКАТИМИЗДА

- **Самарқандда 2010 йилда вилоятни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш якунлари ҳамда Президентимизнинг Вазирлар Маҳкамасининг шу йил 21 январда бўлиб ўтган мажлисидаги маърузасида белгилаб берилган энг муҳим устувор вазифаларнинг ижросига бағишланган фаоллар йиғилиши бўлиб ўтди.**
- **Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратурасида Вазирлар маҳкамаси ҳузуридаги Вояга етмаганлар ишлари бўйича комиссиянинг йиғилиши ўтказилди.**
- **«Ўзбекистон ҳаво йўллари» Миллий авиакомпаниясида ўтказилган матбуот анжуманида авиакомпаниянинг 2010 йилги фаолияти сарҳисоб қилинди.**
- **Сирдарё вилояти Ширин шаҳридаги «Шоҳруҳ Демирбек» масъулияти чекланган жамиятида полиэтилен қоп ишлаб чиқаришга ихтисослаштирилган янги технологик линия ишга туширилди. Шу тариқа 22 киши меҳнат қилаётган ушбу корхонада йилига салкам 300 миллион сўмлик маҳсулот тайёрлаш имконияти яратилди.**
- **Қизилқум кенгликларида жойлашган Томди ва Учқудуқ туманларидаги саноатчилар ҳамда қоракўлчиларга янги қурилган уйларнинг калитлари топширилди. Айниқса, Томдибулоқ чорвадорларининг хурсандчилиги чексиз. Зеро, олис чўл шароитида бўлсада, табиий газ, электр энергияси ва тоза ичимлик суви билан таъминланган, пишиқ ғиштдан қурилган 10 та коттеж ўз эгаларига топширилди.**
- **Наманган муҳандислик-педагогика институтида ёшларни оммавий маданиятнинг салбий таъсирларидан сақлаш масалаларига бағишланган давра суҳбати ўтказилди.**
- **Наманганда нефть ва газ саноати учун асбоб-ускуналар ишлаб чиқаришга ихтисослаштирилган «Наманганмаш» акциядорлик жамиятида ички бозор талабларидан келиб чиқиб, импорт ўрнини босувчи табиий газни тақсимлаш қурилмасини тайёрлаш йўлга қўйилди.**
- **Кармана туманилик тадбиркор Дилором Астонова сифатли деворбоп материаллар ишлаб чиқаришга ихтисослаштирилган «Кармана-Даст» хусусий корхонасини ишга туширди. 40 миллион сўмлик тежамкор технологиялар билан жиҳозланган корхонада ҳозир йилига 3 миллион донагача пишиқ ғишт тайёрлаш имконияти мавжуд.**

### ЖАҲОНДА

- **Швейцариянинг Давос шаҳрида «Янги воқеликлар учун ҳамкорликдаги меъёрлар» шиори остида Бутунжаҳон иқтисодиёт форумининг 41-сессияси ўз ишини бошлади.**
- **Бугун Тунисда ўтиш ҳукуматининг таркиби эълон қилинади. Ундан ағдарилган президентнинг бирорта партиядошлари ва тарафдорлари ўрин олмаслиги кўзда тутилган.**
- **Икки кундан буён Мисрда президент ва ҳукумат аъзолари истеъфосини ҳамда мамлакатдаги фавқулоддаги ҳолатнинг бекор қилинишини талаб этган ҳолда норозилик намойишлари авжига чиқмоқда. Намойишчилардан 900 нафари ҳибсга олинди, полиция билан тўқнашувлар чоғида беш киши ҳаётдан кўз юмди.**
- **АҚШда тинимсиз қор ёғиши муносабати билан мингдан ортиқ авиарейслар бекор қилинди.**
- **Кеча Доғистоннинг Хасавюрт шаҳрида автомобилнинг портлаши натижасида тўрт киши ҳалок бўлди, олтита одам тан жароҳатлари олди.**
- **Австралияда содир бўлган кучли сув тошқини катта талафотларни келтириб чиқарди. Ҳозирда мамлакатнинг аҳоли зич жойлашган Янги Жанубий Уэльс ва Квинсленд штатларида фавқулодда ҳолат эълон қилинган. Тинмай ёғаётган ёмғир туфайли Берлингер дарёсининг сатҳи 8,6 метр, Намбукка дарёсининг сатҳи эса 10,3 метрга кўтарилган. Айни кунларда аҳоли хавфсиз жойларга кўчирилмоқда.**
- **Япониядаги айрим фермаларда инсон ҳаёти учун хавф солувчи H5N1 штаммли парранда гриппи вируси мавжудлиги аниқланди. Айни дамда мамлакатда ўта хавфли ушбу касалликка қарши курашиш борасида тегишли чора-тадбирлар кўрилмоқда.**
- **Ойга сайр қилиш учун дастлабки чипталар савдога чиқарилди. Кимлигини билдиришни истамаган шахс ушбу сайёрага саёҳат қилиш учун нақ 150 миллион доллар тўлади. Ойга саёҳат 2015 йилга мўлжалланган бўлиб, битта профессионал фазогир ва иккита сайёҳ парвоз қилади. Саёҳат учун бир ҳафтадан кўпроқ вақт кетади.**

## ҚИСҚА САТРЛАРДА

*Тошкент шаҳар ҳокимлигининг Ахборот хизмати ва ўз мухбирларимиз хабарларидан.*

✓ **КЕЧА** Абу Райҳон Беруний номидаги Тошкент Давлат техника университетида «Тошкент экологик декларацияси»ни талаба-ёшлар орасида тарғиб қилиш мақсадида давра суҳбати ўтказилди.

✓ **БУГУН** Миробод туманидаги 154-мактабда «Китоб кўнгил ойнаси — билимлар хазинаси» мавзуида тадбир бўлиб ўтди.

✓ **БУГУН** Учтепа туманидаги 23-оилавий поликлиникада «Ёш оилаларга тавсиялар» мавзуида давра суҳбати ўтказилди. Унда маҳаллаларда истиқомат қилувчи ёш келинлар, бўлажак оналар ва шифокорлар иштирок этдилар.

